Shartnoma qonunchiligi

# АДО ЭТИЛГАН МАЖБУРИЯТ

## ҳар икки томоннинг фойдасига хизмат қилади

**Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, шартномавий муносабатларга оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш адлия идоралари зиммасига юклатилган. Шу боис адлия бошқармаларида шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарида шартномаларнинг тузилиши, бажарилиши, қонунийлиги мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда.**

Вазирлар Маҳкамасининг **«Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорида контрактация шартномаларини тузиш тартиби тўлиқ белгилаб қўйилган. Қолаверса, Адлия вазирлиги томонидан шартноманинг намунавий лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тайёрлов ташкилотларига етказиб берилган. Бироқ айрим тайёрлов ташкилотлари томонидан ўз манфаатларига мос равишда контрактация шартномаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ана шундай қонунчилик талабларига зид равишда тузилган шартномаларни қайта туздириш юзасидан 104 та тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномаларга асосан 38 нафар мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди ва камчиликлар бартараф этилди.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлимига шу йилнинг 1 июл кунига қадар хўжалик юритувчи субъектлар — ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари томонидан юздан ортиқ ариза ва шикоятлар келиб тушган. Уларнинг манфаатларини кўзлаб фуқаролик ва хўжалик судларига 224 та даъво аризаси киритилди. Жумладан, «Пахтасаноат» уюшмаси тизими томонидан тузилган контрактация шартномалари шартлари бажарилмаслик ҳолатлари бўйича 106387797 сўмлик 70 та, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимига қарашли корхоналарга нисбатан 6163123 сўмлик 9 та, «Ўзбек ипаги» уюшмасига қарашли ташкилотлар бўйича 4746590 сўмлик 27 та, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ХК тизимидаги ташкилотларга нисбатан 13289799 сўмлик 6 та, «Ўзагромашсервис» уюмаси тизимидаги корхоналарга нисбатан 161709035 сўмлик 84 та, «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик компанияси тизимидаги ташкилотларга нисбатан 956067 сўмлик 8 та даъво аризаси киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, «Пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятлари етказиб берилган хомашё учун тўланадиган маблағнинг 80 фоизини жорий йилнинг 1 январ кунига қадар тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши лозим эди. Бироқ аксарият ҳиссадорлик жамиятлари томонидан шартноманинг мазкур банди талабини бажариш пайсалга солинган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Миришкор туманидаги «Жейнов» пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти билан тумандаги «Облоқул бобо» фермер хўжалиги ўртасида 2004 йил 17 декабрда 17 тонна пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан контрактация шартномаси тузилган. Ушбу шартномага асосан фермер хўжалиги 2005 йилда ҳиссадорлик жамиятига 20 тонна пахта хомашёси етказиб берган. Бироқ жамият томонидан шартномадан ортиқча топширилган 3 тонна пахта хомашёси учун қисман тўлов амалга оширилган, холос.

Ушбу ҳолат юзасидан адлия бошқармаси томонидан фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб жамиятдан 133000 сўмлик етказиб берилган маҳсулот ҳақи ва тўлов муддати кечиктирилгани учун 66500 сўмлик устама ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво киритилди. Хўжалик суди ушбу даъво аризаси юзасидан фермер хўжалиги фойдасига 133000 сўмлик асосий қарз ва тўлов муддати кечиктирилгани учун устама ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Вилоят адлия бошқармасининг 2006 йил ярим йиллик иш режасига асосан Косон туманидаги «Пилла» масъулияти чекланган жамиятида тадбиркорлик ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларига риоя этилиши, инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши бўйича ўтказган ўрганиш натижасида ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Масалан, тумандаги «Тўра бобо Йўлдош ўғли» фермер хўжалиги билан жамият ўртасида 2005 йилнинг 16 апрелида 155-сонли контрактация шартномаси имзоланган. Тузилган контрактация шартномасига мувофиқ, фермер хўжалиги жамиятга 148321 сўмлик турли навдаги пилла маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини олган. Жамият эса шартноманинг 2,5 бандига мувофиқ маҳсулот учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши лозим эди.

Фермер хўжалиги жамиятга контрактация шартномасига асосан 148321 сўмлик пилла маҳсулоти етказиб берган бўлса-да, бироқ жамият томонидан ушбу топширилган маҳсулотнинг ҳақини тўлаш пайсалга солиб келинган.

Адлия бошқармаси фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, жамиятдан 148321 сўмлик етказиб берилган маҳсулот ҳақи ва тўлов муддати кечиктирилгани учун устама ундириш ҳақида хўжалик судига даъво аризаси киритди. Хўжалик суди томонидан ушбу иш кўриб чиқилиб, фермер хўжалиги фойдасига 148321 сўмлик асосий қарз ва тўлов муддати кечиктирилгани учун устама ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Яна бир ачинарли ҳолат шундаки, фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ташкилотларда маблағлари бўла туриб, уларга ўз вақтида хизмат кўрсатилмаяпди. Масалан, «Шаҳрисабз нефть базаси» унитар корхонасига «Ҳамиша қалбимда, сен Обиджон» фермер хўжалиги 159468 сўмлик тўловни олдиндан амалга оширган бўлса-да, корхона томонидан фермер хўжалигига нефть маҳсулотлари етказиб берилмаган.

Адлия бошқармаси ушбу ҳолат юзасидан фермер хўжалигига унитар корхонадан 159468 сўмлик етказиб берилмаган маҳсулот ҳақи ва мажбурият бажарилмагани учун 79734 сўмлик устама ундириш ҳақида хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Китоб туманидаги «Агро-Нокио» фермер хўжалиги билан тумандаги «МТП» давлат акциядорлик жамияти ўртасида ҳам худди шундай ҳолат юзага келган. Томонлар ўртасида тузилган контрактация шартномасига мувофиқ фермер хўжалиги акциядорлик жамиятига 140788 сўмлик тўловни олдиндан амалга оширган. Шунга қарамай жамият томонидан фермер хўжалигига ҳеч қандай хизмат кўрсатилмаган. Шу сабабли фермер хўжалиги манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, кўпгина фермер хўжаликлари раҳбарларида ҳуқуқий саводхонлик даражаси анча паст. Уларнинг аксарияти давлатга пахта, ғалла етказиб бериш юзасидан тайёрлов идораларининг контрактация шартномалар бўйича мажбуриятларини лозим даражада бажармаган. Оқибатда фермер хўжаликларига нисбатан даъво қўзғатилиб, улардан берилган бўнакларнинг маҳсулот билан қопланмаган қисми бўйича қарздорликни ундириш ва топширилган ғалла қийматидан 25 фоиз жарима тўлаш мажбурияти белгиланган. Масалан, косонлик фермер Ўткир Авазов бу йилги ғалла топшириш бўйича шартномавий режани бажара олмаган. Бунга сув ва ўғитни ўз вақтда ололмагани сабаб бўлган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқи ва мажбуриятини яхши билиши шарт. Ана шундагина ҳеч қандай хатоликка ўрин қолмайди. Зеро, қонунга амал қилган киши ютқазмайди ҳам, алданмайди ҳам. Шу маънода шартнома мажбуриятларини бажариш ҳар иккала томоннинг манфаатига хизмат қилади. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

**Норқувват ЯНГИБОЕВ,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

Muloqot

## КЕЛИШУВГА БОҒЛИҚ

*— Қўшни уйда яшайдиган ёлғиз ва кекса қўшнимизнинг ҳолидан хабар олиб турардик. Кейинчалик у умрбод таъминлаш шарти билан уйини менга васият қилиб қолдирди. Бироқ у вафот этгач, бошқа туманда яшайдиган жияни уйга эгалик ҳуқуқини даъво қилмоқда. У умрбод таъминлаш шарти билан тузилган шартномани бекор қилдирмоқчи эканини айтди. Айтинг-чи, қандай ҳолатда ушбу шартнома бекор қилинади?*

**Д.ЖАМОЛИДДИНОВ,**
**Пискент тумани**

— Фуқаролик кодексининг 533-моддасида умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақида сўз юритилган. Ушбу моддага асосан, агар уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Агар олувчининг моддий аҳволи ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бошқа шахсга берувчига шартлашилган таъминотни бера олмайдиган даражада ўзгарса ёки бошқа шахсга берувчи меҳнат қобилиятини тикласа, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахасга бериш шартномаси олувчининг талабига кўра бекор қилиниши мумкин.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинадиган тақдирда уй (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бошқа шахсга берувчининг талабига кўра бекор қилинган тақдирда олувчи шартнома амалда бўлган вақтда бошқа шахсга берувчини таъминлаш ва уйни, (уйнинг бир қисмини) квартирани сақлаб туришга қилган харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

## АШЁВИЙ ДАЛИЛ НИМА?

*Бундан 9 ой аввал оғзаки битим асосида «Жигули» автомашинасини сотиб олган эдим. Яқинда суддан мазкур автомашина эгаси уни ўғирлаб сотгани аниқлангани ҳақида маълум қилишди. Ўғирлик ашёси бўлган автомашина жиноят қуроли деб топилиб, мусодара қилингандан сўнг давлат тасарруфига ўтказилар эмиш. Энди автомашинани топшираманми?*

**Т.РЎЗИЕВ,**
**Зомин тумани**

— Ҳа, сиз автомашинани топширасиз. Чунки Жиноят процессуал кодексининг 157-моддасига мувофиқ, жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда экани маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, суриштирувчи, терговчи ва суд уларни олиб қўйишга ҳақли.

Сиз сотиб олган «Жигули» автомашинаси ашёвий далил ҳисоблангани боис ЖПКнинг 207-моддасига асосан у жиноят ишига қўшиб қўйилади. Ушбу моддага мувофиқ, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Мазкур қарор ёки ажримда ашёвий далилни ишда қолдириш ёки уни сақлаш учун топшириш масаласи ҳам ҳал этилади.

Агар олди-сотди шартномаси ёзма равишда тузилганида, сиз қонуний ҳақ-ҳуқуқингизни талаб қилишингиз мумкин эди.

## ДАЪВО ФУҚАРОЛИК СУДИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

*Яқин қариндошларимдан бири турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган эди. Айтинг-чи, турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисидаги даъво аризалари қандай тартибда тақдим этилади?*

**Ғ.САФАРОВ,**
**Бўка тумани**

— Бундай даъво аризалар квартира (уй) қаерда жойлашган бўлса, ўша ҳудуддаги фуқаролик ишлари бўйича судга тақдим этилади.

Икки нусхадаги даъво аризасига турар жой мулк қилиб олинганлиги тўғрисидаги нотариал тасдиқланган ва уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш инспекциясида рўйхатдан ўтказилган шартнома нусхаси, квартиранинг (уйнинг) собиқ эгаси ва унинг оила аъзолари мазкур жойда яшамаётганлиги (улар жўнаб кетган вақтини кўрсатган ҳолда) ҳамда турар жойнинг янги эгалари шу жойда яшаётганлиги тўғрисида камида уч киши имзолаган, лозим даражада расмийлаштирилиб, фуқаролар йиғини муҳри билан тасдиқланган далолатнома, жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига жўнаб кетганлигига оид ҳужжатлар илова қилинади. Агар жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлса, у шахсан ёки вакиллари орқали суд мажлисида иштирок этиши зарур.

Даъво тақдим этилганлик учун тегишли миқдорда давлат божи тўланади.

## МОДДИЙ ТАЪМИНОТ БЕРИШ ТАРТИБИ

*Кейинги вақтда оилавий келишмовчилик туфайли хотиним билан тез-тез жанжаллашиб қолаяпмиз. Бунинг устига хотиним ўртадаги никоҳни бекор қилиш ниятида. Мен бу масала юзасидан ҳуқуқшуносга учрашганимда, у никоҳ бекор бўлгач, мен хотинимга моддий таъминот бериб туришимни айтди. Айтинг-чи, мен хотинимга қанча миқдорда алимент тўлашим мумкин? Бундан ташқари, қандай ҳолларда моддий таъминот беришдан озод бўлиш мумкин?*

**И.ШОКИРОВ,**
**Нарпай тумани**

— Оила кодексининг 119-моддасида эр-хотин (собиқ эр-хотин)дан суд тартибида ундириладиган алимент миқдори ҳақида сўз юритилган. Мазкур моддага мувофиқ, эр-хотин (собиқ эр-хотин) ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда эр ёки хотинга (собиқ эр ёки хотинга) суд тартибида ундириб бериладиган алимент миқдори суд томонидан эр ёки хотиннинг (собиқ эр ёки хотиннинг) моддий ва оилавий аҳволини ҳамда тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини эътиборга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий миқдорда белгиланади. Бироқ бу миқдор қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги лозим.

Иккинчи саволингизга ҳам Оила кодексининг 120-моддаси асосида жавоб бериш мумкин. Ушбу моддага биноан суд қуйидаги ҳолларда:

— агар эр-хотин никоҳда қисқа вақт мобайнида бўлган бўлса;

— агар ўз таъминоти учун маблағ тўланиши талаб қилаётган эр ёки хотиннинг нолойиқ хулқ-атвори туфайли никоҳдан ажратилган бўлса;

— агар ёрдамга муҳтож эр ёки хотиннинг меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши унинг спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик воситаларини, психатроп моддаларни суиистеъмол қилиши ёки қасддан жиноят содир этиши оқибатида юз берган бўлса, эр (хотин)ни ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз хотин (эр)га таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиши ёхуд бу мажбуриятни муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин.

**Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.**

# ЎМАРИЛГАН ЎҒИТ

***Яхши озуқа ерга ҳам, экинга ҳам қувват беради. Шу боис миришкор деҳқонларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда озиқлантириш ҳамда парваришлаш ишларини ўз вақтида ва меъёрида бажариб, баракали ҳосил кўтаришга ҳаракат қилади. Бироқ биргина деҳқону ишчилар саъй-ҳаракатлари билан кўзланган самарага эришиш қийин. Чунки агротехник тадбирларни амалга ошириш чоғида қишлоқ хўжалигини етарли равишда минерал ўғитлар билан таъминлаб туриш талаб этилади.***



Президентимизнинг 2005 йил 23 декабрдаги **«2006 йилда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори айнан ушбу талаблардан келиб чиқиб қабул қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, шу кунга қадар мазкур қарорда белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан жойларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Яқинда Республика Бош прокуратураси томонидан ушбу қарор ҳамда шу йўналишдаги бошқа қонунлар ижроси таъминланиши аҳволи таҳлил этилганда бу борада хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам аниқланди.

Маълумки, «Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, етказиб бериш, сақлаш ва тарқатиш фаолиятини амалга оширади. Эътироф этиш ўринлики, компания бу йўналишдаги ишларни юқори даражада ташкил этиб, самарали натижаларга эришмоқда. Аммо «Ўзкимёсаноат» тизимидаги айрим корхоналар фаолиятида қонунбузилиш, суиистеъмолчилик ҳоллари ҳам содир этилаяпти. Жумладан, уч нафар қонунбузар — Андижон вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти Қўрғонтепа тумани филиали омборхонаси ходими Т.Қирғизов, шу тумандаги «Намуна» ширкат хўжалиги омборчиси И.Нажмиддинов ҳамда фуқаро О.Бобохонов ўзаро жиноий тил бириктириб, умумий қиймати 1 миллион 200 минг сўмлик 5700 килограмм «карбомид» минерал ўғитини сохта ҳужжат билан ширкат хўжалигига чиқим қилиб, ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилишган.

Ушбу акционерлик жамиятининг Марҳамат тумани филиали омбор мудири И.Акбаров омборда сақланаётган 5 минг 3 килограмм миқдордаги 748 минг 134 сўмлик минерал ўғитни ўз манфаати йўлида ўзлаштирган. Қинғир ишдан «ўрнак» олган шу оборхона қоровули

Taassuf

И.Мамашарипов ҳам жорий йилнинг 21 март куни ярим тунда омборхона эшигини бузиб, 8 қопга жойланган 103 минг 609 сўмлик минерал ўғитини ўмариб, яшириб қўйган.

Худди шундай жиноий ҳаракатлар Самарқанд вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятининг Самарқанд тумани филиали ҳамда Сурхондарё вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятининг Қумқўрғон тумани филиали омборхоналарида ҳам содир этилгани аниқланди.

Кўриниб турибдики, юқоридаги ҳолатларда ҳаром луқма топиш илинжидаги кимсалар ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, жиноий қилмишга қўл урган. Энг ёмони, бундай қинғир ишлар оқибатида фақат корхонагина зиён кўрмайди, балки аҳолининг ризқи кесилади. Чунки заминимизда етиштирилаётган ҳар бир неъмат эл дастурхонини безайди, одамларимизнинг қорнини тўйғизади.

Талон-тарож қилиш йўли билан минерал ўғитларни ўзлаштирган жиноятчи шахслар кимёвий моддаларни асосан шу ҳудудада фаолият юритувчи фермер хўжаликларига арзон-гаровга пуллашга ҳаракат қилишган.

Аммо бундан ҳам ёмони, ўғитларни сақлаш ва қўриқлашда ва эътиборсизликка йўл қўйилаётгани оқибатида кимёвий озуқалар фуқаролар қўлига ўтиб, ўз навбатида улар қўшни давлатлар ҳудудига ноқонуний равишда олиб ўтишга уринишмоқда.

Масалан, Наманган вилояти, Учқурғон туманида яшовчи фуқаро М.Шарипов 600 килограмм, У.Сайдуллаев эса 300 килограмм минерал ўғитни сотиш мақсадида айланма йўллар орқали қўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудига олиб ўтиш чоғида қўлга олинган.

Юртимиз иқтисодиёти тараққиёти аграр соҳа ривожи билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, минерал озуқаларга мамлакатимизнинг ўзида ҳам талаб катта. Шу боис қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш, уларни ишлаб чиқариш, ташиш ва сотишни назорат қилишга доир Президентимиз, ҳукуматимиз қарорлари қабул қилинаяпти.

Демак, юқоридаги ҳолатлар шуни тақозо этаяптики, келгусида бу соҳада олиб борилаётган назоратни янада кучайтириш лозим.

**Ў. АБДУРАСУЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Faoliyat

**Халқимиз осойишталигини, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишдек долзарб вазифалар милиция нозирлари зиммасига катта масъулият юклайди. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари ва жамоатчилик билан доимий ҳамкорликда иш олиб борадиган нозир ва посбонлар хизмати фақат бу билан чекланмайди. Аҳоли орасида ҳуқуқий билим ва маданиятни кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, бу ишларни ташкил этиш ҳам уларнинг жонкуярликлари, фаолликлари туфайли амалга ошади.**

# ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ТАЯНЧИ

Таъкидлаш жоизки, осойишталигимиз посбонларидан талаб этиладиган бу каби муҳим вазифалар осонликча амалга ошмайди. Касби ва хизмат бурчига чин дилдан ихлос қўйган, синчков, фуқаролар билан хушмуомалали нозирлар ҳамиша эл билан чиқишиб, вазифасини кўнгилдагидек адо этади. Бу борада жойлардаги милиция «Таянч пункт»лари, профилактика нозирлари ва жамоатчилик асосида уларга кўмаклашаётган посбонларнинг осойишталигимиз йўлидаги хизматлари катта. Айни пайтда Хоразм вилоятида бир юз тўқсонта ана шундай «Таянч пункт»лари фаолият кўрсатиб келаётир.

Осойишталик посбонларига қўйилаётган талаблар вилоят ички ишлар бошқармаси ва унинг шахсий таркиб жанговарлигини таъминлаш маркази раҳбариятининг доимий диққат марказида турибди. Жанговарлик Марказида мунтазам ўқув-йиғин машғулотлари ташкил этиб борилади. Президентимиз Ислом Каримовнинг **«Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»** қабул қилган Фармони бу борада дастуриламал қилиб белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг **«Жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлиги профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида»**ги қарорида эса, ходимларнинг жамоат тартибини сақлаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги тайёргарлигини янада ошириш назарда тутилган. Эътиборли жиҳати шундаки, марказ бу соҳада вилоятдаги бошқа идора ва ташкилотлар билан ҳам изчил ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўқув йиғинларда адлия, суд, прокуратура, фавқулодда вазиятлар идоралари раҳбарлари ва етакчи ходимлари маърузалар қилишади. Яқинда ана шундай учрашувлардан бири жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Султонмурод Хўжамуродов иштирокида ўтказилди. Йиғин қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Бундай тадбирлар касбий малака ва маҳоратни оширади. Зеро, ўз хизмат вазифасини мукаммал адо этиш учун ҳар бир ходим доимий равишда изланиши, малакасини ошириб бориши, қонунчилигимиз тамойилларини пухта ўзлаштириши лозим. Касбий етуклик, хизмат соҳасидаги ютуқ ва муваффақиятлар, жасорат, шижоат намуналари, аввало, тинимсиз ўқиш ва чиниқиш жараёнларидан бошланади.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Tahlil ko`zgusi

# МЕЗОН ДАРАЖАСИ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Хўжалик судига асосий қарз ва пеняни ундиришни сўраб даъво аризалари киритилганидан сўнг «Зафаробод пахта тозалаш корхонаси» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раҳбарлари ҳаракатга тушиб қолишди. Иш судда кўриладиган кунга қадар фермер хўжаликларига тўланиши лозим бўлган пахтанинг 80 фоизли тўлови тўлиқ амалга оширилди. Агар бу иш вақтида бажарилганда адлия бошқармаси ходимларининг қимматли вақти тежалган, фермер хўжаликлари эса маҳсулот ҳақини ўз вақтида олиб, кам-кўстларини бутлаган, ишини ривожлантириш ҳаракатини кўрган бўларди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг тинч, осойишта, фаровон турмуш кечиришини таъминлайдиган, Конституция ва қонунларга асосланган ҳуқуқий — демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этилишида суд ҳокимиятининг хизмати беқиёс. Судьялар мустақил ва улар фақат қонунга бўйсунади. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди. Шу ўринда вилоят хўжалик суди томонидан шу йилнинг 20 апрелида кўрилган еттита иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари ҳақида сўз юритишни лозим топдик. Таъкидлаш жоизки, бу билан суднинг ушбу қарорларини тўғри ёки нотўғри, дейиш фикридан тамомила узоқмиз. Бундай баҳолаш ваколатига эга ҳам эмасмиз. Бироқ жавобгар тарафдан пеня ундириш масаласида баъзи мулоҳазаларимиз борки, уларни ўртага ташлаш ниятидамиз.

Гап шундаки, суд «Нужум» фермер хўжалиги фойдасига жавобгардан ундириш сўралган пенянинг 50 фоизини қаноатлантириб, қолган қисмини рад этган, «Боғишамол» фермер хўжалигига 30, «Жулибек» фермер хўжалигига 20, «Қоранисо» фермер хўжалигига 15, «Жасур» фермер хўжалигига сўралган пенянинг 10 фоизи қаноатлантирилиб, қарор чиқарилган. «Асил бобо» фермер хўжалигига 5 фоиз пеня ундириб берилган бўлса, «Муҳим» фермер хўжалигига ундиришга қарор қилинган пеня атиги 1 фоизни ташкил этади.

Албатта, суд ишни кўриш пайтида томонлар вакилларининг кўрсатмаларини эшитиб, уларнинг важларини таҳлил қилиб, қанча пеня ундириш зарурлигини ўзи ҳал қилади. Аслида ҳам шундай, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Агар ҳал қилув қарорларига назар солсангиз, асосий қарз ва ундан келиб чиққан пеня қисмини ҳисобга олмаганда мазмун бир хил. Суд тўловни амалга оширганлиги учун Хўжалик процессуал кодексининг 86-моддаси, 6-бандига асосан даъво талабидан асосий қарз суммасини ундириш бўйича иш юритишни тугатган.

Бундан ташқари, ҳал қилув қарорларида жавобгар тараф пеняни ундириш юзасидан эътирозномасида корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлиги, бюджет ва боқиманда қарздорлиги ҳамда бошқа ташкилотлардан жуда катта қарзи мавжудлиги қайд этилган. Даъвогарни пеня миқдорини тўғри ҳисоблаган бўлса-да, қарздорликни ундириш чорасини вақтида кўрмаганликда айблаган. Фуқаролик кодексининг 335 ҳамда 326-моддаларини қўллаб, даъво қилинган пеняни қисман қаноатлантирган ва ҳал қилув қарори чиқарган.

Шу ўринда бир савол туғилади: ҳал қилув қарорларида мазмун бир хил бўлса, нега бировга даъво қилинган пенянинг 50 фоизи ундирилдию, бошқасига 1 фоизи? Пеня ундиришда бундай нотенгликка қандай асос бор?



Республика Олий хўжалик суди Пленумининг 2002 йил 4 мартдаги **«Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида**»ги 103-сонли қарорида шундай тушунтириш берилган. Қарорнинг 12-бандида, жумладан, шундай дейилган: «**Пенянинг миқдори шартнома баҳосига эмас, балки бажарилмаган мажбуриятлар суммасига (тўланмаган ёки кечиктирилган тўлов, бажарилмаган ишлар, хизматлар суммаси)нисбатан фоиз миқдорида ҳисобланади**».

Агар шундай бўладиган бўлса, «Муҳим» фермер хўжалиги корхонага 261,6 тонна пахта етказиб берган. Пахта хомашёсининг 80 фоизли тўлов пули 54 миллион 513 минг 300 сўмни ташкил этади. Корхона билан фермер ўртасида ҳисоб-китоб қилинганда акциядорлик жамияти 80 фоизли тўловдан 20 миллион 991 минг сўм асосий қарзи бор эди. Ана шу тўлов амалга оширилмаган асосий қарзнинг қонунда даъвогар фойдасига ундирилиши мумкин бўлган 50 фоиз пеня қисми 10 миллион 495 минг 500 сўмни ташкил этади. Суд томонидан пеняни 104 минг 955 сўмга қаноатлантирилгани 10 миллион 495 минг 500 сўмнинг бир фоизи демакдир.

Шу ўринда фикримизни исботлаш учун Олий хўжалик суди Пленуми 103-сонли қарорининг 13-бандини айнан келтирамиз: **«Судлар неустойка (пеня, жарима) миқдорини аниқлашда шартноманинг қайси банди талаблари қанчалик даражада бузилганлиги тарафлар тақдим этаётган ҳисоб-китобларда қайси давр учун ва қанча миқдорда жавобгарлик кўзда тутилаётганлигини, у қайси қонун ёки шартноманинг бандига асосан белгиланганлигини асослантиришлари, зарур ҳолларда неустойканинг ҳисоб-китобини қайта ҳисоблаб чиқишлари, тарафларнинг талаби билан мутахассисларни ҳисоб-китобларни аниқлаш учун жалб этишлари, экспертиза тайинлашлари лозим»**.

Шу ўринда судлар **«... қайси қонун ёки шартноманинг бандига асосан белгиланганлигини асослантиришлари»** деган жумлага эътибор беринг. Бундай деганимиз боиси тарафлар ўртасидаги шартнома **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарорининг 1 иловаси билан тасдиқланган юқорида номи зикр этилган Низом талабларидан келиб чиқиб тузилган. «Зафаробод» пахта тозалаш корхонаси» очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан фермер хўжаликлари ўртасидаги «Пахта хомашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича контрактация шартномаси»нинг 5.3-бандида маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгар тараф ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлаш белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, суд қарорларидаги пеня ундириш миқдоридаги тафовутлар бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Бу эса ана шу масала билан боғлиқ қонун меъёрларини такомиллаштиришни тақозо этади.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Qonun ijodkorligi

# МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

## оммавий ахборот воситалари тараққиётига хизмат қилади

*(Давоми.Боши биринчи бетда)*

Маълумки, оммавий ахборот воситасининг фаолият юритишида унинг устави асосий қоида ҳисобланади. Бу масалада баҳсларга сабаб бўлган ҳолат, яъни устав оммавий ахборот воситасига тегишли бўладими ёки унинг таҳририятигами, деган масалага ойдинлик киритилиб, алоҳида моддада «таҳририят устави» қатъий белгилаб қўйилди. Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг бекор қилиниши қоидалари алоҳида моддада акс эттирилди. Оммавий ахборот воситаси таҳририятининг мақомини белгиловчи янги модда киритилди. Алоҳида модда сифатида оммавий ахборот воситаси муассисининг ҳуқуқий мақоми кўрсатиб берилди.

Янги қонунда биринчи марта даврий матбаа нашрининг электрон тури даврий матбаа нашрини тарқатиш усулларидан бири эканлиги инобатга олиниб, алоҳида моддада қоида сифатида белгилаб қўйилди. Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказмасдан тарқатиш тартибларига доир қоида ҳам кенгайтирилди. Бу оммавий ахборот тарқатиш билан шуғулланадиган субъектларга кенг имкониятлар яратади, жамият турли ахборотларни ҳар қандай воситалардан эркин ва ўз вақтида олиш имкониятига эга бўлади.

Қабул қилинган қонунда раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи янада кенгайтирилди ва унга нисбатан қўйиладиган талаблар белгиланди. Амалдаги қонунда оммавий ахборот воситалари бозорини монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган бўлса-да, унинг тамойиллари ва монопол даражаси белгиланмаган эди. Қонунда ахборот бозорида монополлаштиришга йўл қўймаслик ва унинг олдини олиш учун мавжуд меъёр кенгайтирилди.

Шунингдек, янги қонунга оммавий ахборот соҳасидаги халқаро ҳамкорлик, деган алоҳида модда ҳам киритилди. Бу меъёр оммавий ахборот воситаларининг халқаро доирада фаолият юритишлари учун имкониятлар яратади.

Оммавий ахборот воситалари соҳасида эркинлаштириш сиёсатининг олиб борилаётгани, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ташқаридан ўзбошимчалик ва турли аралашувларнинг олдини олиш мақсадида ахборот воситасини чиқаришни тугатиш ёки тўхтатишга нисбатан янги талаблар қўйилмоқда. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, янги қонунда биринчи марта оммавий ахборот воситасини муассис ва суд томонидан тугатиш ёки тўхтатишнинг янги қоидалари белгиланди. Ушбу қоидаларга кўра, суд томонидан оммавий ахборот воситасининг тугатилиши тўғрисидаги қарорнинг чиқарилишига қонун ҳужжатлари талабларининг таҳририят томонидан доимий бузиб келингани бўйича рўйхатдан ўтказувчи идоранинг даъвоси, муассис ёки бош муҳаррир (муҳаррир) номига рўйхатдан ўтказувчи идора томонидан муқаддам ёзма огоҳлантириш киритилгани, шунингдек, суднинг ушбу оммавий ахборот воситасини тўхтатиш ҳақидаги қарорининг бажарилмагани асос бўлиши белгилаб қўйилди.

Бизнингча, ушбу қонун мамлакатимизда оммавий ахборот соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг қонунлар орқали мустаҳкамланишига, оммавий ахборот воситаларининг ўз вазифаларини амалга оширишларидаги ҳуқуқий кафолатларини кенгайтириш учун етарли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, қабул қилинган қонунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз:

**— қонун оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиш ва фаолият юритишга кенг имкониятлар берадиган янги қоидалар билан бойитилди;**

**— Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида таъсис этилган, бироқ Ўзбекистон Республикасида чиқариладиган ва (ёки) тарқатиладиган оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонуний жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қоидалар белгиланди;**

**— оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш, таъсис этиш, тарқатиш жараёнлари қонуний жиҳатдан либераллаштирилди ва соддалаштирилди;**

**— бирон-бир шахснинг оммавий ахборот воситалари бозорида монополия мавқеига эга бўлишининг олдини олиш мақсадида монополия мавқеларининг тамойиллари ўрнатилди ва бошқалар.**

Хуллас, ушбу қонун мазкур соҳага доир барча қонунларнинг асоси бўла олади. Унда, Конституцияга мувофиқ, цензурага йўл қўймаслик, жамият, шахс ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи ахборот ҳақида, ижодий рақобатнинг юзага келиши яхлит бир тизим сифатида берилган.

**Олимжон ЎСАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**



*Кўркамлик*

Tahlil va saboq

# МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Агар ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 23 май сонида ***“Қонунни билган қоқилмайди”*** сарлавҳали мақола чоп этилганди. Мақолада турли вилоятларда истиқомат қилаётган уч нафар фуқаронинг шикоят-аризаларини таҳлил қилиб берган эдик. Жумладан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, “Сойлиқ” қишлоғида яшовчи муштарий Абдушукур Мирзахметов ўз аризасида “Сойлиқ” ширкат хўжалигида ўтказилган тендерда нохолисликка йўл қўйилгани ҳақида ёзган эди. Яқинда ана шу мақола юзасидан Тошкент вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Б.Хўжаевнинг имзоси билан жавоб мактуби олдик. Қуйида ана шу жавоб хатидан қисқагина кўчирма келтириб ўтамиз.

***“...Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги қарорининг 4-бандига кўра, ваколатли орган ва мансабдор шахсларнинг ер муносабатларига доир қарорлари ва ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар ФПКнинг 26-29-бобларида назарда тутилган давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш тартибида кўрилади.***

***Мазкур Пленум қарорининг 20-банди 2-қисмига кўра, фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш бўйича комиссия юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг қарори ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан шикоят берилмайди.***

***Бундай ҳолатда суд томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмай, гарчи тендер комиссиясининг хулосасига нисбатан берилган даъво ва аризалар судга тааллуқли бўлмаса-да, ишни даъво тартибида кўриб чиқиб, хатоликка йўл қўйилган...***

***Қайд этиб ўтилган қонунчилик нормаларидан келиб чиқиб, суднинг мазкур ҳал қилув қарорига нисбатан 2006 йил 29 май куни Тошкент вилояти прокуратураси томонидан кассация тартибида протест келтирилди”.***

Албатта, газетада чоп этилган ҳар бир мақолага мутасадди ташкилотларнинг эътибор бериши ва белгиланган муддатда таҳририятга жавоб мактуби ёзиши яхши. Чунки ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳам, шунингдек, таҳририятнинг ҳам мақсади бир. Яъни, юртимизда барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик жамият қурилишига ўз ҳиссасини қўшиш.

Мақоламиз аввалида таъкидлаб ўтганимиздек, таҳририят хатжилдига келиб тушаётган барча шикоят-аризаларни газета саҳифаларида чоп этишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам айрим шикоят хатлари тегишлилиги бўйича ваколатли идораларга юборилади. Таҳририятга Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманидан шикоят мактуби йўллаган муштарий А. Эшқувватов ҳам тендер жараёнида ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари бузилгани ҳақида ёзган эди. Таҳририят ушбу аризани тегишлилиги бўйича Қашқадарё вилоят прокуратурасига жўнатганди. Қуйида ана шу аризага Қашқадарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Э.Жўраевнинг жавоб мактубини эътиборингизга ҳавола этамиз.

***“Эшқувватов Абдурашид Ашур ўғли” фермер хўжалиги раҳбари А.Эшқувватовнинг таҳририятга йўллаган мурожаатига асосан вилоят хўжалик судида унинг даъво аризаси бўйича кўрилиб ҳал этилган 18-0604/3218-сонли хўжалик иши бўйича чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.***

***Аниқланишича, савдо-саноат палатаси вилоят бошқармасининг Деҳқонобод туман “Эшқувватов Абдурашид Ашур ўғли” манфаатига, жавобгарлар – Деҳқонобод туман ҳокимлиги, Деҳқонобод туманида фаолият юритаётган “Ўзбеков Мухтор” фермер хўжалигига нисбатан туман ҳокимининг 19.02.2004 йилдаги Х-255/2-сонли қарорини 606-контурдан ер ажратиш қисмини ҳақиқий эмас деб топиш ва унга ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги хўжалик иши вилоят хўжалик судида 02.05.2006 йилда кўрилиб, даъвогарнинг даъвосини тўлиқ рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилган.***

***Мазкур хўжалик иши бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонунийлиги вилоят прокуратурасида ўрганилиб, ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида протест келтирилди”.***

***(Давоми тўртинчи бетда)***

Mushohada

# МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

***Ҳар бир инсоннинг салоҳияти, ҳар бир халқнинг маънавий олами, тарихи унинг тили воситасида ифода этилади. Инсоният тафаккурининг юксак нуқтаси, энг теран билимлар ва эҳтиросли кечинмалар лисоний ифода орқали одамларга етказилмас экан, буларнинг барчаси мавҳум ва сирли ҳолича қолиб кетаверади. Тил аждодларни ҳозирги авлод билан, ўтмишни келажак билан боғлаб туради. Донишмандлар таъкидлаб айтганидек, тил – миллатнинг қалби, қиёфаси, тил – кўнгилнинг ва тафаккурнинг қайноқ уммонидир.***

Тараққиёт сари юз бурган мамлакатимизда она тилимизнинг софлиги, бундан-да равнақ топиши йўлида изчил ва кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

1989 йилнинг 21 октябрида Давлат тили ҳақида қонун қабул қилиниши она тилига ҳурмат ва эътибор масаласида кескин бурилиш нуқтаси бўлди. **«Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ҳар кимнинг ўз ота-онаси қўйган исм билан чақирилишидек табиий бир ҳолдир,** – деган эди Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қонун лойиҳаси муҳокамасида. – **Модомики, тил – миллатни бирлаштирувчи куч, миллий тараққиёт кўзгуси, барҳаёт авлоднинг келажак наслларга қолдирадиган маънавий бойлиги экан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши мана шу кутлуғ мақсадларга хизмат этади»**.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур қонунга мувофиқ тилимизнинг мавкеи, қадр-қиммати жой-жойига қўйилди, унутилган тарихий жой номлари қайта тикланди, тилимизга зўрма-зўраки киритилган кўпдан-кўп терминлар унинг луғавий хазинасидаги соф сўз ва муносиб атамалар билан алмаштирилди.

Шу билан бирга, қадимий тарихимизни, бебаҳо маънавий меросимизни ўрганиш ва ўзлигимизни таниш имкони туғилди. Буни биргина мисол воситасида яққол кўриш мумкин. Самарқанду Бухорода, Хоразмнинг қадимий қалъа-шаҳарларида қанчадан-қанча маҳаллалар бор. Уларнинг номи шаҳарларимиз маданиятининг ривожланиш тарихини ўзида ифода этади. Бугун ана шу қадимий номлар бу шаҳарларга чирой бағишлаб, тарихдан ҳикоя қилиб турибди.

Тошкент маҳаллаларини кўз олдингизга келтиринг. Қўштут, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф, Пичоқчи, Чақичмон, Хастимом, Оқмачит, ҳофиз Кўҳакий, Шаршинтепа...

Шарқнинг гўзал шаҳри, йирик ишлаб чиқариш ва маданият маркази бўлмиш Тошкент шаҳрида қадимий жой номларини қайта тиклаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар нур устига нур бўлди. Айни пайтда, шўро тузуми даврида сиёсат туфайли қўйиб ташланган, халқимиз ҳаётига ҳеч бир алоқаси бўлмаган номлар ўрнида бевосита тарихимизга дахлдор номлар жой олди. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Маълумки, Аҳмад Югнакий дидактик адабиёт намояндаси бўлиб, машҳур «Ҳибатул ҳақойиқ» асари муаллифидир. «Солнечний» массиви Аҳмад Югнакий мавзеи деб аталди.

Темур Малик – XIII асрда яшаган машҳур саркарда, Чингизхон босқинига қарши мардона курашган халқ қаҳрамони. «Красновосточная» кўчаси ҳозир Темур Малик кўчаси деб ном олган. Ҳумоюн эса XV асрда яшаган темурий ҳукмдор. Илгари «Ясний» массиви дейилган мавзе ҳозир унинг номи билан аталади.

Зеро, бу – халқнинг хоҳиш-иродаси, иззат-ҳурмати ифодасидир. Шунингдек, меҳмонхона, корхона, олий ўқув юртлари ва истироҳат боғлари, маҳалла ва зиёратгоҳлар номлари ҳам қайта тикланди. «Ц– 4» кварталининг Қашқар номи, «Высоовольтный» массивининг тарихий Яланғоч номи, шунингдек, даҳалар, мавзелар ва маҳаллаларнинг қадимий номлари қайта тикланиши пойтахтимизга миллий руҳ ва кўрку салобат бағишлаб турибди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Тошкентнинг марказий кўчаларида ўзбек миллатига мансуб шахслар номи деярли учрамас эди. Давлат тили ҳақидаги қонун шарофати билан Куйбишев кўчаси Охунбобоев номидаги кўча, «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» проспекти Абдулла Қодирий кўчаси деб номланди.

Албатта, бу соҳадаги ютуқларни санаб адоғига етиш қийин. Нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам катта ишлар қилинди. Шу билан бирга, йўл қўйилаётган хато-камчиликлар ҳам йўқ эмас. Биргина мисол. Чилонзор савдо марказидаги бинолар пештоқида "Bic WAY", "FAST-FOOD", "EASYI-NET", "COPY CENTER" сингари ёзувлар маржондек тизилиб турганини кўриш мумкин. Фикримизча, бу каби номларни ўзбек адабий тили талабига жавоб берадиган тарзда ўзгартириш фурсати етиб келган.

Бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш жараёнида тижорат ташвиқоти, яъни реклама ҳаётимизга кириб келди. Рекламанинг муҳим тарғиботчи эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Аммо барча рекламаларда ҳам давлат тилининг қонун-қоидаларига тўлиқ риоя этилаяпти, деб бўлмайди. Масалан: **“Не тормози. Сникерсни”.** Бу рекламада на имло қоидасига риоя этилган, на у бир маъно англатади. "Сникерс" шоколадини тўхтатма!" демоқчи, шекилли? Шунингдек, **“Ecolot – бахтли авлод учун”, “Coca Cola – чанқоғингга ишон”** каби рекламалар мазмун-моҳиятига кўра ҳеч бир маъно англатмайди. **“Классик таъми, олма исли, табиий CEYLON чойи”** деган рекламага бир эътибор қилинг. Аввало, ундаги “калссик” деган сўзни ҳар қанча изласак ҳам, ҳеч бир луғатдан топа олмадик. Афтидан, “классик” демоқчи бўлган-у, аммо бу сўзни хато ёзишган. Лекин *классик таъм* бўлмайди. Шунингдек, *олма исли* деган ибора ҳам хато. Олма ҳиди бўлиши мумкин. “Табиий чой” деган сифат ҳам кишига эриш туюлади. Нимага десангиз, нотабиий чой бўлиши мумкин эмас?

Булар бошқа тилдан нўноқлик билан қилинган таржималар, холос. Яна бир мисол: **“Фарҳод фазоланган, йодланган ош тузи”.** Мазкур рекламадаги *“фазоланган”* сўзи нима мақсадда ишлатилганини тушуниб етиш қийин. Бу каби рекламаларда нафақат тиниш белгиларга, ҳатто сўзларнинг тўғри қўлланилиши ва ёзилишига ҳам эътиборсизлик кўзга ташланади.

Тил – тафаккур қуроли. Тилга палапартиш муносабатда бўлиш, имло қоидалари ва тил меъёрига амал қилмаслик кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Қўшиқчилик санъатида сўзларни бузиб талаффуз этиш, енгил-елпи матнга хорижий сўзларни қориштириб куйлаш каби ҳоллар кишини таажжубга солади. Қаранг, “Божалар” гуруҳи мана бундай куйлаяпти:

***Баҳор келиб,***
***яна гуллади жийда,***
***Мани ёрим ўқийди***
***эски ТошМИда,***
***Бугун дарси***
***бор-йўғи икки пара,***
***Айланамиз маза қилиб***
***парам, парам, пара...***

Ёш хонанда Даврон Эргашев тилимизни бўзиб қўшиқ айтишда улардан ҳам ўзиб кетган:

***Регулярно, постоянно,***
***Жиғимга тегавермагин.***
***Яна, яна эгов,***
***Эговсан, эгов, эгов...***

Келинг, бу каби «матн»ларни шарҳлаб ўтирмайлик.

Бизнинг ниятимиз – кимнидир танқид қилиш, кимнингдир дилини оғритиш эмас. Тилимизга, элимизга ҳурматсиз муносабатда бўлиб, таъбимизни хира қилаётган айрим эътиборсиз дўстларимизни огоҳликка ундаш, холос.

Тилимизнинг жозибаси ва оҳанграбосига зиён етказмаслик керак. Бу тилда соҳибқирон бобомиз Амир Темур сўзлашганини, улуғ Алишер Навоий унинг кўрку чиройини осмонларга олиб чиққанини, Қодирий, Фитрат ва Чўлпон унга маҳлиё бўлиб, тилимиз малоҳатини кўз-кўз этиб, ўлмас асарлар битганини ҳеч қачон унутмайлик.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**журналист**

# СИНОВ МУДДАТИ

## У МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ

Mitti maslahat

Маълумки, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битираётган ҳар бир ёш мутахассис корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга борганда, айрим меҳнат жамоаларида дастлабки синов шарти билан ишга қабул қилинади. Меҳнат қонунчилигида ҳам дастлабки синов шарти кўзда тутилган.

Меҳнат шартномасини дастлабки синов шарти билан тузишдан кўзланган мақсад биринчидан, ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатини текшириб кўриш бўлса, иккинчидан, ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келишидан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши керак. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган ҳисобланади. Ҳомиладор, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, бундан ташқари олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

Шунингдек, дастлабки синов муддати уч ойдан ошмаслиги керак. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлганидек, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходимнинг узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди. Дастлабки синов даври ҳам меҳнат стажига киради.

**Равшан НАРЗИҚУЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**




### ЖИММИ КАРТЕРНИНГ НОРОЗИЛИГИ

АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер АҚШнинг амалдаги ҳукуматини ҳужжатларни ўта махфийлаштиришда айбламоқда, деб хабар беради “РИА-Новости” ахборот агентлиги. Жимми Картер АҚШнинг мустақиллик куни ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги тўғрисида қабул қилинган



қонуннинг 40 йиллиги муносабати билан "Вашингтон Пост" газетасида чоп этилган мақоласида ана шундай фикр билдирган.

“Биз мустақиллик куни ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги тўғрисидаги қонун қабул қилинганининг 40 йиллигини тантанали равишда нишонламоқда. Лекин бу тантана бизнинг мамлакатимизда том маънода ахборот эркинлиги байрами бўла олмайди. Чунки мамлакатимиз ҳукумати етакчилари махфийлик ботқоғига ботиб кетган. Мавжуд сиёсат ва айрим маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳали жуда кўп ҳужжатлар халқ назаридан яшириб келинмоқда", деб ёзади собиқ президент ўз мақоласида.

Жимми Картернинг фикрича, "бугунги кунда АҚШда рўй бераётган воқеалар, айниқса, уруш, инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши, энергия ресурслари нархининг кескин ошиб бораётгани, молиявий ва бошқа соҳалардаги камчиликлар сабабини халққа очиқ-ошкор айтиш даркор".

Собиқ президент ўз мақоласида АҚШ аҳолиси ўртасида ўтказилган ўтган йилги ижтимоий сўровлар натижаларидан ҳам фойдаланган. Маълум бўлишича, сўралганларнинг 70 фоизи ҳукуматнинг "махфий"лигидан ташвишланаётганини билдирган.

### ТОВЛАМАЧИ ЎСПИРИН

“Интерфакс” ахборот агентлиги Россия Федерацияси Ички Ишлар вазирлиги ходимлари мамлакатдаги йирик авиокомпанияларининг биридан товламачилик йўли билан 3 миллион доллар талаб қилаётган жиноятчини қўлга олгани ҳақида хабар тарқатди.

Маълумотларга қараганда, шу йилнинг май ойи охирларида авиокомпания электрон почтасига яқин орада уларга тегишли самолётлардан бирида террорчилик ҳаракати содир этилиши ҳақида хабар келиб тушган. Номаълум шахс авиакомпания раҳбарларидан ушбу фожианинг олдини олиш ва содир этилажак терактни бартараф этишда ҳамкорлик қилиш учун 3 миллион доллар миқдорида тўлов талаб қилган.

Россия Ички Ишлар вазирлиги ходимлари томонидан



ўтказилган тезкор-қидирув ишлари натижасида юқоридаги маълумот Новосибирск вилоятининг Искитим шаҳрида яшовчи 17 ёшли ўспирин томонидан жўнатилгани аниқланди. Орадан роппа-роса 36 соат ўтиб, ўспирин қўлга олинди.

Ўспирин ихтиёрий равишда электрон хабар жўнатган компьютер техникасини ички ишлар идоралари ходимларига топширди ва ўз айбига иқрор бўлди. Ушбу масала бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётгани сабабли айбдорнинг исм-шарифи эълон қилинмаган.

### ТЕРРОРЧИЛАР РАҲБАРИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

“Стрэйтс Таймс” газетасининг маълум қилишича, Сингапур ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан маҳаллий “Жамоаи Исломия” террорчилар гуруҳи раҳбари қўлга олинган.

Полиция ходимлари томонидан ўтказилган операция натижасида ушбу гуруҳга алоқадор яна тўрт нафар жангари ҳам қўлга тушган. Полиция маълумотларида айтилишича, операция давомида гуруҳ раҳбари Мас Селамат Кастари, уч туғишган ака-ука жангарилар Абдул Носир, Абдул Рашид ва Ануварули, шунингдек, Муҳаммад Рашид Зайнал Абидинларга нисбатан амалдаги қонунчиликка биноан жиноят иши қўзғатилган.

“Ал-Қоида” ҳаракати билан яқин алоқада бўлган "Жамоаи Исломия" террорчилар гуруҳининг мақсади Жанубий-Шарқий Осиё ҳудудида Ислом давлати барпо этиш бўлиб, бу ҳудудга Индонезия, Филиппин



ва Таиланднинг мусулмонлар истиқомат қилувчи туманлари ва Австралиянинг бир қисми кириши кўзда тутилган.

### ЖАНГАРИЛАР ТАЛАБИ

Яқинда исроиллик аскарни гаровга олган фаластинлик жангарилар Исроил ҳукумати олдига ўзларининг сўнгги талабларини қўйишди. Талабга кўра, 4 июл эрталабки соат олтига қадар Исроил ҳукумати фаластинлик маҳбусларни, жумладан, "ХАМАС" ҳаракати вазири ва парламент депутатларини озод қилишлари шарт. Акс ҳолда капрал Гилад Шалит қатл этилади.

Маълумотларга қараганда, жангарилар капрал Гилад Шалитни шу йилнинг 25 июнида Ғазо секторининг жанубий ҳудудида қўлга олишган. Исроил ҳукумати эса жангариларнинг талабларини бажармаслигини билдирган.

Эслатиб ўтиш жоизки, Исроил ҳукумати раҳбарлари капрал Гилад Шалитни озод қилиш учун барча чора-тадбирларни ишга солмоқда. Жумладан, капрал жангарилар қўлига тушиб қолгандан сўнг Ғазо сектори ҳудудига Исроил бронетехникалари киритилган ва ҳудуд бир неча марта бомбардимон қилинган.

### САКСОН ЁШЛИ ЖИНОЯТЧИ

Яқинда АҚШнинг Кливленд штати полициячилари ғаройиб жиноятни очишди. Маълум бўлишича, саксон яшар кекса аёл ўзининг тўқсон саккиз ёшли онасининг жасадини уч йил давомида ётоқхонасидаги кароватида сақлаб келган.

Қўшнилар уч йил давомида кампирнинг кўринмай қолгани ҳақида бир неча марта полицияга хабар беришган. Аммо уй эгаси полициячиларни онасининг ухлаётганлигига ишонтириб, эшикни очмаган. Саксон ёшли жиноятчи ўзининг бу қилмишини онаси бир умр мана шу ётоқхонадаги кароватда ухлагани билан оқлашга ҳаракат қилган. Ушбу иш юзасидан ҳозирда суд жараёни бўлиб ўтмоқда.

**Интернет материаллари асосида**
**Ҳабибулло АВАЗОВ тайёрлади.**

